

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИЕВ ҲАЙИТБОЙ АБДУҒАНИЕВИЧ

**АҲОЛИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШINI ЛАНДШАФТ
ОМИЛИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
МИСОЛИДА)**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдувалиев Ҳайитбой Абдуганиевич

Аҳолининг худудий ташкил этилишини ландшафт омили асосида такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида).3

Абдувалиев Ҳайитбой Абдуганиевич

Совершенствование территориальной организации населения на основе ландшафтного фактора (на примере Ферганской долины)21

Abduvaliyev Hayitboy Abduganiyevich

Improving the territorial organization of the population based on the landscape factor (on the example of the Fergana Valley)40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works. 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИЕВ ҲАЙИТБОЙ АБДУҒАНИЕВИЧ

**АҲОЛИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШINI ЛАНДШАФТ
ОМИЛИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
МИСОЛИДА)**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr95 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аҳмадалиев Юсупжон Исмоилович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тожиева Зулхумор Назаровна
география фанлари доктори, профессор

Ибрагимова Рана Алимбаевна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» декабрда тарқатилди.
(2020 йил «14» декабрдаги 25-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг табиий-ландшафт кўрсаткичлари унинг ҳудудий ташкил этилишига таъсир кўрсатувчи дастлабки омилдир. Кишилиқ жамияти фан ва техниканинг имкониятларидан фойдаланиб, ўзи яшайдиган масканларни тоборо кенгайтормоқда. Бу жараёнда ҳудудларнинг табиий-ландшафт имкониятларини тўлиқ ҳисобга олинмаслиги аҳоли пунктларида ижтимоий-экологик муаммоларни юзага келтирмоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурининг 11-мақсадида «Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлигини, хавфсизлигини, умри боқийлиги ва барқарорлигини таъминлаш»¹ вазифаларини ечиш долзарблиги таъкидланмоқда. Мазкур вазифалар, демографик юки оғир бўлган ҳудудларни ўзгаришини таҳлил этиш, баҳолаш, башоратлаш ва салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, аҳоли пунктлари демографик вазиятини оптималлаштириш, шаҳарларнинг антропоген босимини меъёрлаштириш, ландшафтларнинг табиий демографик имкониятлари белгилаш, аҳоли зич ҳудудларда аҳоли бандлигини оширишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳоли пунктларининг аксарияти яшаш қулай бўлган ҳудудларда ёки қулай ландшафтларда жойлашганлиги, аҳоли сонининг мунтазам ошиши аҳоли пунктлари сони ва майдонининг ортишига ҳамда табиий ландшафтлар майдонининг қисқариб боришига сабаб бўлади. Ландшафтларнинг табиий мувозанатини сақлашда ҳар бир минтақаларини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, демографик юк миқдорини белгилаш, меъёрлаштириш, аҳоли пунктларини оқилона ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Аҳолининг минтақалар бўйича ҳудудий ташкил этилишини оптималлаштириш, ҳаёт шароитлари яхшилаш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, аҳолининг ҳудудий жойлашувини такомиллаштиришга, ижтимоий-экологик жиҳатдан хавфсиз ҳудудларни шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года.

www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 октябрдаги 301-сон «Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли ва у билан боғлиқ демографик жараёнларни тадқиқ этиш муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар Ж.Граунт, А.Гийяр, У.Петти ва МДХ мамлакатлари олимлари В.А.Борисов, А.И.Щербаков, Б.Ц.Урланис, В.В.Покшишевский, Л.Л.Козлова, А.А.Ахметова, С.И.Исламовларнинг ишларида келтирилган.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан ўрганиш, уни ҳудудий ташкил этишга оид тадқиқотлар Н.Н.Баранский, Ю.А.Симагин, В.П.Максаковский, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалев, Б.С.Хорев, А.И.Алексеевлар шуғулланишган. Ўзбекистонда аҳолишунослик, оила демографияси, шаҳарлар ва аҳоли географияси, меҳнат ва аҳоли бандлиги масалалари М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Х.Салимов, Э.А.Ахмедов, Қ.Х.Абдурахмонов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Б.Х.Умурзақов, Г.Р.Асанов, З.Райимжонов, М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева ишларида келтирилган.

Бевосита аҳолини ҳудудий ташкил этишда табиий омилларга эътибор бериш масалалари билан А.Е.Пробст, А.И.Чистобаев, А.Г.Исаченко, З.М.Ақрамов, А.С.Солиев, Ю.И.Аҳмадалиев, Т.Маллабоев, Ш.З.Жумаханов, Ш.М.Шарипов каби тадқиқотчилар шуғулланишган. Аҳоли жойлашувининг ҳудудий хусусиятлари борасидаги амалий ишларда демографик жиҳатдан алоҳида ўринга эга бўлган Фарғона минтақаси аҳолисини ҳудудий ташкил этиш масалалари доимо ўз долзарблигини сақлаб келган. Бунда эса табиий омиллардан ҳудуднинг сув билан таъминланганлигининг аҳоли жойлашувига таъсири кўпроқ ўрганилган. Бироқ, водий аҳолисининг ландшафтлар бўйича жойлашуви ҳамда табиий-ландшафт омилининг аҳоли жойлашувига таъсири тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7-29 рақамли «Фарғона водийси табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» (2015-2020 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийсида аҳолининг ҳудудий жойлашувини табиий-ландшафт омили асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолини ҳудудий ташкил этиш назариясида табиий омилнинг роли ва аҳамиятини таҳлил этиш, мавжуд услубий-тадқиқотларни такомиллаштириш;

водийдаги ландшафт баландлик минтақалари ва маъмурий-ҳудудий бирликлар асосидаги аҳоли зичлигининг реал ҳолатларини картографик, статистик таҳлили асосида ҳисоблаш;

аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришда табиий-ландшафт имкониятларидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришнинг стратегик режаларини амалга ошириш имкониятини берувчи географик ахборотлар базасини (харита, жадвал, тасниф) яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийсида аҳоли жойлашувининг ҳудудий тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси аҳолисининг ҳудудий жойлашувини такомиллаштиришда ландшафт омилининг ўрни ва аҳамиятини асослаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, районлаштириш, географик таққослаш, статистик, математик моделлаштириш ҳамда картографик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

аҳоли зичлигини аниқлашнинг анъанавий усули, иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичида «чекловчи» табиий омиллар таъсирида аҳолини ҳудудий ташкил этиш имкони бўлмаган ҳудудларни ҳисобга олиш ҳамда зичликни табиий-ландшафт бирликлари доирасида аниқлаш имконини берувчи услубий ёндашув асосида такомиллаштирилган;

илк бор Фарғона водийси ҳудуди геоморфологик, иқлимий, тупроқ-мелиоратив ва гидрографик кўрсаткичларнинг аҳоли жойлашувига таъсир этувчи (чекловчи ёки чорловчи) омилларини баҳолаш асосида, турли табиий-демографик имкониятга эга бўлган, 7 та ландшафт баландлик минтақаси мавжудлиги асосланган;

Фарғона водийсидаги аҳоли зичлиги маъмурий бирликлардан ташқари ландшафт баландлик минтақалари бўйича ҳам аниқланган, бунда ҚФЙ ва

МФЙда аҳолининг ландшафт баландлик минтақалари бўйича жойлашувининг умумлаштирувчи картаси яратилган;

водийдаги ландшафт баландлик минтақаларининг табиий-демографик имкониятини амалдаги аҳоли зичлигига таққослаш орқали ҳар бир маъмурий туман учун аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш мақсадида аҳоли зичлиги янги услубда ландшафт баландлик минтақалари бўйича ҳисоблаб чиқилди, схематик картаси яратилди;

аҳолининг ҳудудий жойлашишини такомиллаштиришга асос бўлувчи ландшафт баландлик минтақаларининг табиий-демографик имкониятини (ТДИ) баҳолашни ўзига хос (индексли) усули ишлаб чиқилган;

мавжуд демографик юк кўрсаткичлари ва ҳудуднинг табиий демографик имкониятини қиёсий тахлили асосида аҳоли жойлашувини ҳудудий такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва карта ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг статистика бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилгани, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий асосланган манбалардан олингани, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли жойлашишига табиий-ландшафт омилининг таъсирини баҳолашда, аҳоли зичлигини ортиши натижасида юзага келаётган ижтимоий-экологик муаммоларнинг табиий демографик асослари мавжудлиги, аҳолини жойлаштиришда табиий-ландшафт ёндошувини зарурлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришга, ландшафт баландлик минтақаларининг табиий демографик имкониятларидан фойдаланишга оид мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун географик ахборот тизимлар (ГАТ) базаси яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий-ландшафт омил асосида аҳолининг ҳудудий жойлашуви хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

аҳолини ҳудудий жойлаштириш имкони бўлмаган ҳудудларни ҳисобга олиш ҳамда зичликни табиий-ландшафт бирликлари доирасида аниқлаш

имконини берувчи такомиллаштирилган услубий ёндашув Фарғона водийси вилоятларида мавжуд аҳоли зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер ресурслари миқдорини аниқлашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01/00-04/07-8288-сон маълумотномаси). Натижада, табиий-географик бирликларнинг аҳолини ҳудудий жойлашиши учун шароит мавжуд бўлмаган ҳудудларини ҳисобдан чиқариб, аҳоли зичлиги ва демографик юк миқдорини аниқлаш имконини берган;

аҳоли жойлашувига таъсир этувчи (чекловчи ёки чорловчи) омилларини баҳолаш асосида ажратилган 7 та ландшафт баландлик минтақалари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни лойиҳалашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-05-7784-сон маълумотномаси) Натижада, ҳар бир минтақанинг табиий-демографик имкониятидан унга мос ҳолда унумли фойдаланиш, аҳолига турли мақсадларда ер участкалари ажратишнинг географик ахборотлар базасини янгилаш имконини берган;

ҳар бир ландшафт баландлик минтақасида жойлашган ҚФЙ ва МФЙлар аҳоли зичлигини баҳолашнинг умумлаштирилган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида водийдаги ҳар бир маъмурий туман ландшафтларда аҳоли зичлиги ва демографик юк миқдорини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01/00-04/07-8288-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар бир маъмурий туманнинг аҳоли зичлиги ландшафт баландлик минтақалари доирасида аниқланиб, демографик юкни ҳисоблаш, картасини ишлаш имконини берган;

маъмурий туманлар бўйича аниқланган демографик юкнинг ўта юқори ёки паст участкалари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида водий маъмурий туманларида аҳоли ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг мақсадли дастурларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01/00-04/07-8288-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур маъмурий туманларда аҳоли ҳудудий жойлашишини такомиллаштиришда демографик юк кўрсаткичлари ва ландшафт имкониятини мувофиқлаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 19 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда

9 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳолининг ҳудудий таркибини тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли, аҳоли географияси, аҳоли пунктлари, аҳолининг ҳудудий таркиби тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти, келиб чиқиши, қўлланилишига оид илмий-назарий ва услубий қарашлар аҳолининг ҳудудий таркиби тушунчаси шаклланишининг методологик асослари ва бу борада илмий манбаларда берилган таърифлар таққосланган. Ўзбекистонда аҳолининг ҳудудий таркибини тадқиқ этишдаги ўзига хос қонуниятлар, шунингдек, аҳолининг ҳудудий таркибини шаклланишига таъсир этувчи табиий-ландшафт ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг роли таҳлил қилинди. Кейинги йилларда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий баҳолаш ва башоратлашда ҳудудларнинг табиий ландшафт имкониятларини ҳисобга олмаслик, ҳудудлар учун хос тўлган табиий (ер, сув, иқлим) кўрсаткичларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорларини аниқлашда ялпи (умумий) маълумотларни қўлланиши каби ҳолатлар кузатилмоқда. Натижада ҳудудларда, айниқса маъмурий туманлар доирасида, реал географик воқеяликларни аниқ намоён бўлмаётганлиги билан боғлиқ муаммолари кўзга ташланмоқда.

Аҳоли географик тадқиқотларнинг дастлабки босқичларида ишчи кучи, меҳнат ресурси, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг омили сифатида ўрганилган. Бугунги кунда эса аҳоли асосан ижтимоий (социал) тушунча сифатида қаралиб, унинг яшаш шароити ва турмуш тарзи, такрор барпо этилиши, ҳудудий жойлашувига бошқа омилларнинг жумладан, ресурслар билан таъминланганлик, экология, тиббий хизматни холати кабиларнинг таъсири каби жиҳатларини тадқиқ қилиш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Айнан шу жиҳатларга эътибор қаратилиши иқтисодий география фани ривожланишидаги ижтимоийлашуви, экологиялашуви, гуманитарлашуви жараёнлари оқибатидир.

Аҳоли географияси ўзаро боғланган икки турдаги ҳудудий тизимларни яъни, аҳоли ва аҳоли пунктларини ўрганади. Биринчиси, аҳолининг ҳудудий гуруҳлари билан шуғулланиб, мақсадига қараб, қитъалар, давлатлар, мамлакатлар ва уларнинг айрим қисмлари (район, шаҳар, қишлоқ, маҳалла) аҳолисини қиёсий ўрганади. Иккинчиси, аҳолининг аҳоли пунктлари бўйича тақсимланиши ва жойланишини тадқиқ этишдир. Аҳолининг географик жойлашуви ўз навбатида ҳудуднинг табиий ландшафт шароитига, табиий ресурслари билан таъминланганлигига, ҳудуднинг ўзлаштирилиш даражасига боғлиқдир.

Аҳоли ва аҳоли пунктларининг макон ва замондаги ўзгариш хусусиятлари юз йиллар давомида географик тадқиқотлар марказига кўйилмоқда. Аҳолининг фалсафий маънода маконда жойлашиши география фанида «ҳудудий ташкил этиш» тушунчаси билан ифодаланади. Шунинг учун аҳоли тушунчаси ҳар доим ҳудуд тушунчаси билан ёнма-ён, ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади. Ҳудуд, ер, макон, жой тушунчаларга нисбатан кенгроқ маънода ишлатилади. Араб тилидан олинган бу сўз ҳад, ҳадди, сарҳад сўзлари билан ўзакдош бўлиб чегара, кимгадир қарашли ер маъносини англатади. Ҳудуд деганда - ўзида табиий ва инсон томонидан яратилган барча ресурсларни жамлаган, саноатда, транспорт, қурилиш ва аҳоли манзилгоҳларини ташкил этишда муҳим омил вазифасини ўтайдиган, ўзига хос географик ўринга, маълум табиий ландшафт ва хўжалик хусусиятларига эга бўлган майдон тушунилади. Аҳолининг замондаги ўзгариши кўпроқ унинг миқдорий кўрсаткичларини динамикаси билан боғлиқ бўлиб, демография йўналишидаги тадқиқотлар ўзагини ташкил этади.

Географик тадқиқотлар доирасида «аҳоли жойлашуви» тушунчаси икки хил маънода қўлланилади. Биринчисида у аҳолининг яшаш жойлари бўйича жойланиши тушунилади. Бунда яшаш жой сифатида кўча, маҳалла, қишлоқ, туман, ҳудуд, минтақа, мамлакат ёки қитъа тушунилиши мумкин. Иккинчисида «аҳоли жойлашуви» турғунлик ва динамик ўсиш тушунчаларида ўз аксини топади. Аҳоли пунктлари ва уларнинг ривожланиш жараёни ички тизимлар ва элементлар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб ва кўпинча қарама-қарши хусусиятига эга бўлган ҳудуд ички потенциалида намаён бўлади. Ушбу муносабатлар маълум бир географик маконнинг хусусиятини белгилайди. Бу географик маконнинг бир қисми бўлган аҳоли ва аҳоли пунктларининг асосий мезони бу ҳудудийликдир. Аҳоли жойлашувининг барча элементлари ҳудудий хусусиятга эга.

«Ҳудудий ташкил этиш» ибораси дастлаб аҳолига нисбатан (А.Е.Пробст, 1982) «ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш» ибораси сифатида қўлланилган. Аҳолини ҳудудий ташкил этиш ибораси оддий ёки табиий аҳоли жойлашуви, унинг ҳудудий таркибидан анча юқори туради. Сабаби аҳоли ва аҳоли пунктларини ҳудудий ташкил этиш, шахмат доскасига тошларни маълум мақсад билан, (бу ерда ғалаба қозониш учун) жойлаштиришга ўхшайди. Аҳолининг ҳудудий ташкил этишда «ғалабага эришиш» бу – бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик жиҳатларидан

самарали бўлишини таъминлашдир. Бундай шаклдаги аҳоли жойлашуви махсус ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларни шакллантиради.

Б.С.Хорев, С.А.Кавалев, Ю.А.Симагинлар аҳолини ҳудудий ташкил этиш тушунчасига берган таклифларни умумлаштириб, унга шундай таъриф бериш мумкин. Аҳолини ҳудудий ташкил этиш бу – унинг жойлашиш жараёнлари билан мавжуд ҳудудий таркибини оптималлаштириш мақсадида, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни таъминлаш учун тадқиқотлар олиб борувчи илмий йўналишдир. Бугунги кунда аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг долзарб муаммолари турли давлатлар, минтақалар, кичик минтақалар ва хатто аҳоли пунктлари учун ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, барча минтақалар учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Улардан бири аҳоли зичлигидир. Аҳоли зичлиги маълум бир ҳудудда жойлашган аҳоли сонини ифодаловчи иқтисодий географик мезон бўлиб, у ресурслар манбаи ҳисобланган ҳудуддаги кишиларнинг ҳаёт кечириши ва ишлаб чиқариши уйғунлашган муносабатни ифодалайди. «Аҳоли зичлиги» ҳудуднинг сиғимини тавсифлайдиган маълум кўрсаткич – бу аҳоли сонининг у эгаллаган ҳудудга бўлган нисбатида намоён бўлади.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, аҳолини ҳудудий ташкил этишни куйидаги йўналишларини тадқиқ этиш танлаб олинди:


– аҳолини ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи омиллардан табиий ландшафт омилни ўрганиш ва баҳолаш;

– аҳолини мавжуд ҳудудий ташкил этилишини янги усулларда баҳолаш, таҳлил қилиш, диагноз қўйиш, муаммоларни аниқлаш;

– аҳолини ҳудудий ташкил этилишини мавжуд ҳолатни баҳолаш, табиий-демографик имкониятлари асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Аҳолининг ҳудудий таркибини табиий-ландшафт омилли имкониятларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар узвий кетма-кетликкада 3 та босқичда олиб борган маъқул ҳисобланади (1-расм).

Дастлабки босқичда, аҳолини ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи маълумотлар (ахборотлар) жамланади. Ушбу тадқиқотда асосий эътибор аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи табиий-ландшафт омиллига қаратилади. Йиғилган ахборотларни таҳлили этишда А.Кашин, Ш.Жумаханов, Ш.Шарипов, Ю.Аҳмадалиевлар томонидан илгари сурилган назарий билимларга таянилади. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб бевосита аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи табиий-ландшафт омиллари геоморфологик (ер усти тузилиши, рельеф), иқлимий (қуёш радиациясининг тақсимланиши, қулай иқлим минтақаларида жойлашув), тупроқ (механик таркиби, гумус миқдори), гидрологик (дарё ва сойлар бўйида жойлашув) қисмларга ажратиб тавсифланади.



1-расм. Аҳолини ҳудудий ташкил этишни тадқиқ этишнинг географик йўналишлари.

Бу 4 та омиллар таъсирида шаклланган аҳолининг мавжуд ҳудудий ташкил этилиши мажмуали-географик асосда баҳоланади.

Иккинчи босқичда аҳоли зичлигини ортиб кетиши, ер-сув ресурсларининг аҳоли жон бошига етишмай қолиши каби жиҳатлари ўрганилади. Баҳолаш натижалари аҳолининг ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган муаммо ва муаммоли вазиятларни аниқлаш имкониятини беради. Тадқиқотнинг якуний босқичида аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади.

Аҳоли ҳудудий таркибини тадқиқ этишда анъанавий усуллар билан бир қаторда янгича услубий ёндашувда тадқиқот олиб бориш зарурати юзага келмоқда. Таҳлиллардан аҳоли зичлигини ҳисоблашни маъмурий-ҳудудий усули мавжуд ҳолатни тўлиқ акс эттирмаслиги, ресурсларни аҳоли жон бошига тақсимлашда мутлоқо нотўғри кўрсаткичларни келтириб чиқариши аён бўлди. Бунинг оқибатида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий меҳнат воситаси бўлган ер ресурсларининг етишмаслиги, бандлик ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда. Фикрмизни Фарғона вилояти Сўх тумани мисолида асослашга ҳаракат қиламиз. Сўх туманида аҳоли зичлиги 2019 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, анъанавий усулда ҳисобланганда 250,6 кишини ташкил этиб, водийнинг 40 та маъмурий туманлар орасида 38 ўринда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер ресурслар бўйича нафақат вилоятда балки водийда етакчи ўринда туради. Бу кўрсаткичдан ҳозирда Сўх туманида ўзлаштириш имконияти бор ерлар мавжуд деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, зичликни биз таклиф этаётган, аҳоли жойлашишидаги чекловчи ёки чорловчи омилларини эътиборга олувчи, ландшафтли усулда баҳоланса аниқ муаммоли вазият намоён бўлади. Туманда аҳолини жойлашишига чорловчи таъсир кўрсатувчи омиллар таъсиридаги текислик ерлар тўлиқ ўзлаштирилган. Иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида «чекловчи» табиий омиллар таъсирида аҳолини ҳудудий ташкил этиш имкони бўлмаган тоғли ҳудудларни ҳисобдан чиқариб, аҳоли зичлиги аниқланди, у тоғ олди текислик ландшафтларида 716,5 кишини, суғориладиган ерларда 4370 кишини ташкил этади. Бундай ҳисобда аҳолининг мавжуд, фойдаланиш имконияти бор ер ресурслари билан таъминланиши бўйича Сўх тумани нафақат водийда балки республикада охириги ўринда туради. Бу эса тумандаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Мазкур усулдан фойдаланиш, биринчидан, маъмурий туманлар иқтисодий ривожланиши ва хўжалик тармоқлари таркибининг бугунги кунда аҳолини жойлаштириш ва фойдаланиш имкони бўлмаган ҳудудларни вақтинча ҳисобдан чиқариб аҳоли зичлигини, реал демографик юк миқдорини аниқлашда;

иккинчидан, аҳолини ландшафт баландлик минтақалари бўйича жойлашиш хусусиятларини аниқлаш ва уни ҳудудий жойлашишини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсия ишлаб чиқишда ҳар бир ландшафт

баландлик минтақасидаги мавжуд демографик юк ҳамда ҳудуднинг табиий-демографик имкониятини қиёсий баҳолашда;

учинчидан, ҳар бир ландшафт баландлик минтақалари бўйича аҳолини жойлаштиришнинг оптимал миқдорларини (ер сигимини) белгилаш, чекловчи омиллар кучли бўлган ландшафтлардан келажакда фойдаланиш (масалан, муҳофаза этиладаган ҳудудлар, рекреация ва туризм, ўрмон боғдорчилиги) йўналишларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

«Фарғона водийси аҳолиси жойлашувининг ҳозирги ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар» деб номланган иккинчи бобида, дастлаб, Фарғона водийсининг аҳоли жойлашишига таъсир этувчи ландшафт кўрсаткичлари алоҳида-алоҳида тавсифлаб чиқилди. Ландшафт кўрсаткичлари сифатида геоморфологик (орографик), иклимий, тупроқ ва гидрологик омиллар танлаб олинди.

Ҳудуднинг орографик яъни, рельеф тузилиши табиий географик омиллар ичида аҳамиятлидир. Аксари аҳолининг жойлашуви масалалари таҳлил этилганда, ҳудуднинг ер усти тузилишига, рельефига катта аҳамият қаратилади. Денгиз бўйи мамлакатларида аҳоли жойлашуви таҳлилида кўпроқ ҳудуднинг денгиздан узоқлигига эътибор қаратилса, берк ҳавзали (хусусан Фарғона водийсида) ҳудудларда аҳоли жойлашувининг ҳудудий фарқларида рельефнинг нишаблиги, парчаланганлиги, ҳудуднинг денгиз сатҳидан баландлиги каби белгиларга урғу берилади.

Фарғона водийси рельефи учун хос бўлган зоналик, поғонасимонлик, баландлик минтақалари, микрозоналаркаби кўрсаткичлар асосини жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ташкил этади. Адабиётлар ва замонавий ГИС технологиясидан фойдаланиб, водийнинг маъмурий туманлари ҳудудининг денгиз сатҳидан баландлиги бўйича табақаланишини ўрганилди. Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмида тоғ, тоғ олди (адир) ва марказий текислик зоналари ажратилади. Фарғона водийсининг рельефи жиҳатидан энг паст ҳудуди Сирдарё бўйларидаги кенг водийларга ҳамда шу дарёни вужудга келтирувчи Қорадарё ҳамда Норин дарёлари бўйидаги водийлар тўғри келади. Мутлоқ баландлиги бир хил бўлган ҳудудларини ажратиш ўта мушкул. Бироқ, қисман бўлсада бир хил баландлик минтақасига мос тушувчи маъмурий туманларни ажратиш мумкин.

Водийдаги туманларининг 57,5 фоизи 500 м гача бўлган ҳудудларга тўғри келади. Аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган водийдаги 5 та шаҳарнинг (Наманган, Андижон, Қўқон, Марғилон, Фарғона) 4 таси (Андижон, Қўқон, Марғилон, Фарғона) ҳам шу баландликда жойлашган. Бу ҳудудлар водий аҳолисининг қарийб, 56 фоизи истиқомат қилади.

Ландшафт баландлик минтақаларида аҳоли зичлигини аниқлашда туманлар ҳудудидаги ландшафт баландлик минтақалари ва уларда жойлашган маҳалла, қишлоқ ва шаҳар фуқаролари йиғинлари ҳамда уларда истиқомат қилувчи аҳоли сони аниқлаб олинди. Бир маъмурий туман ҳудудида 4 та ландшафт баландлик минтақаси бўлса, улурнинг ҳар бирида жойлашган маҳалла ёки қишлоқ аниқлаштирилиб, харитага туширилди.

Натижада Фарғона водийси Ўзбекистон қисми аҳолисининг ландшафт баландлик минтақалари бўйича тақсимланиши бўйича маълумотлар базаси ва картаси ишланди. Картографик усулда қилинган таҳлилдан сўнг бир қатор ҳудудий фарқлар очиб берилди. Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида умумий аҳоли зичлиги 1 км² майдонга, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 564,4 кишига тўғри келади. Бу эса туманда аҳоли зичлиги Андижон вилояти умумий кўрсаткичидан (723,3 киши) 1,3 баробарга кичик эканлигини кўрсатади. Аммо ҳолат табиий ландшафт баландлик минтақалари бўйича ажратилганда, туман ҳудуди паст тоғлар, адирлар ва адир оралиғи аллювиал-пролювиал текисликлари ҳудудига мос келди. Бу уч ландшафт тури бўйича аҳоли зичлиги юқоридаги усул билан ҳисобланганда, туманнинг паст тоғлар қисмида аҳоли истиқомат қилмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, адирлар ҳудудида зичлик 81,6 кишига, адир оралиғи аллювиал-пролювиал текисликлари қисмида эса 995,3 кишига тўғри келди. Кўриниб турибдики, туманда нисбатан сийрак ҳудудлар, вилоят даражасидан юқори ҳудудлар ҳамда мутлақо аҳоли қайд этилмаган ҳудудлар ҳам мавжуддир.

Тадқиқотнинг назарий янгилиги ҳам айнан ишнинг шу қисмида шакллантирилган бўлиб, аҳоли зичлигини ҳисоблашда ландшафт омилни ҳисобга олиш керак деган ғояни илгари сурилганлигидир. Ўтказилган тадқиқот бўйича ҳар бир ландшафт турларига мос келувчи маъмурий туманлар ажратилди. Ҳар бир ландшафт баландлик минтақаларининг майдони ва унинг водий ландшафтларидаги улуши ҳисобланди.

Водийдаги 40 та қишлоқ маъмурий туман ва 7 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудуди мос ландшафт баландлик минтақаларига тақсимланди. Водий рельефининг мураккаблиги, ҳар томондан юқоридан пастга қараб нишаблиги сабабли кўпчилик маъмурий туманлар ҳудуди 3, 4 ва 5 та ландшафт баландлик минтақаларига ажратилди. Энг катта ландшафт баландлик минтақаси конус ёйилмаларининг пролювиал-аллювиал текисликлар ва қадимги аллювиал текисликлар бўлиб, уларнинг улуши мос равишда 27,4 ва 21,8 фоизни ташкил этди. Конус ёйилмаларининг пролювиал-аллювиал текисликлари минтақасида 29 та қишлоқ маъмурий туманлари ва Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳар жойлашган, демографик юки оғир иқтисодий ривожланган минтақадир.

Диссертациянинг «**Ландшафт омил асосида аҳоли ҳудудий тақрибни такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришда табиий-ландшафт имкониятларидан максимал фойдаланиш масаласи тадқиқ этилди. Бундай ёндошув бугунги кунимиздаги 2 та долзарб муаммони ечимига қаратилган. Биринчидан, аҳолини жойлаштиришда ҳудуднинг табиий имкониятларидан фойдаланиш аҳолини жойлаштиришдаги иқтисодий харажатларни камайтиради. Озроқ маблағлар билан аҳолига қулай, ишлаш ва яшаш шароитлари яратилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, аҳоли ва ишлаб чиқаришни ландшафт имкониятларидан келиб чиқиб жойлаштириш, ижтимоий-


иқтисодий кўрсаткичларни табиий-ландшафт талабларга мослаштириш экологик муаммолар келиб чиқишини олдини олади. Ҳудудга тушадиган демографик босим миқдорини меъёрлаштириш имкониятини беради.

Ҳар бир суғориладиган ландшафт учун ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали, экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган демографик юк (1 км² майдонга тўғри келадиган аҳоли зичлиги кўринишида) миқдорининг оптимал кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Бугунги иқтисодий ривожланиш даражаси ва урбанизация жараёнидан келиб чиқиб, энг юқори табиий-ландшафт кўрсаткичларига эга бўлган конуссимон ёйилмалари текисликларида аҳоли зичлигини қишлоқ туманларидаги максимал зичлиги 650 киши атрофида бўлиши белгиланди. Демографик юкнинг энг кичик кўрсаткичи паст тоғлар, тоғ олди пролювиал текисликлари ва адир ландшафтлари учун қайд этилди.

Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини ландшафт омили асосида ишлаб чиқилган тавсиялар маъмурий туманлар кесимида, ҳар бир ландшафт баландлик минтақаси учун алоҳида картографик усулда бажарилди (2-расм). Масалан, Жалақудуқ туманида 2 та ландшафт баландлик минтақасида (адир ва адир оралиғи аллювиал-пролювиал текисликлари) аҳоли зичлиги мос равишда 190,3 ва 671,3 кишини ташкил этади. Баҳолаш шкаласи бўйича адир ландшафтларда аҳоли зичлигини оптимал кўрсаткичи 422 киши бўлиши белгиланган. Демак, Жалақудуд туманида ландшафтли режалаштириш дастури доирасида аҳоли зичлигини 204 кишига кўпайтириш имконияти мавжудлиги башорат қилинди.

Фарғона водийси ТДИ маъмурий туманлар бўйича ҳисобланиб, таснифий жадвал ишланди. Таснифий жадвал ёрдамида Фарғона водийсидаги маъмурий туманлар аҳоли зичлиги кўрсаткичида ифодаланган демографик босим миқдори меъёрдан жуда юқори (Асака, Шахрихон, Булоқбоши, Избоскан, Олтинкўл, Тўрақўрғон, Норин, Пахтаобод, Тошлоқ, Наманган, Бувайда), меъёрдан юқори (Андижон, Учкўприк, Уйчи, Балиқчи, Марҳамат, Хўжаобод, Риштон, Жалақудуд), меъёрдаги (Боғдод, Қува, Қўрғонтепа, Қўштепа, Чортоқ, Фарғона), меъёрдан паст (Данғара, Бўстон, Янгикўрғон, Учкўрғон, Косонсой, Олтиариқ, Фурқат, Сўх, Ёзёвон, Қувасой ш.), меъёрдан жуда паст (Ўзбекистон, Чуст, Бешариқ, Улуғнор, Мингбулоқ, Поп) бўлган маъмурий туманлари ажратилди. Чуст, Бешариқ, Улуғнор, Мингбулоқ, Поп туманларида ТДИнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги аниқланди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, ТДИ сақланиб қолаётган маъмурий туманларда аҳоли яшаши ва хўжаликни ташкил этиши нуқтаи-назардан имконият паст бўлганлиги сабабли юқоридаги ҳолат юзага келганлиги очиқ берилди. Олинган натижаларни батафсил таҳлил қилиш мақсадида маъмурий туманларнинг амалдаги аҳоли зичлигини, маъмурий туманнинг ТДИни, маъмурий туман аҳолисини ландшафт омили бўйича такомиллаштириш таклифини ўзида ифодалаган ҳамда маъмурий туманнинг меъёр даражаларини ифодаловчи Фарғона водийси аҳолиси ҳудудий таркибини ландшафт омили бўйича такомиллаштириш харитаси ишланди.



2-расм. Фарғона водийсидаги маъмурий туманлари доирасида ландшафт баландлик минтақалари бўйича аҳоли зичлиги (Картанинг муаллифлик нухаси 1:200000 масштабда тузилган. Бу ерда кичрайтириб берилган).

Ландшафт доирасида берилган тавсия ва таклифларни амалга оширувчи (хаётга тадбиқ этувчи) маъмурий бошқарув марказларининг мавжуд эмаслиги сабабли тадқиқотда табиий ва маъмурий бўлинишни умумлаштириш йўналишида тавсиялар берилди. Бунинг учун ҳар бир ландшафт баландлик минтақасининг қайси маъмурий туман ва ҚФЙ ҳудудида жойлашганлиги аниқланди. Бу ёндошув маъмурий туманларда аҳолини ҳудудий таркибини такомиллаштиришда ландшафт омилини тўла инобатга олиш имкониятини берди.

Водийнинг 7 та ландшафт баландлик минтақаларининг 3 тасида (конус ёйилмаларининг пролювиал-аллювиал текисликлари, аллювиал текисликлар, адир оралиғи аллювиал-пролювиал текисликлари) ТДИ дан тўлиқ фойдаланиб бўлинган, 4 тасида (тоғ олди пролювиал текисликлари, қадимги аллювиал текисликлар, адирлар, паст тоғлар) ТДИ сақланиб қолганлиги ва бу минтақаларда аҳолини ҳудудий ташкил этиш имконияти мавжуд эканлиги аниқланди. ТДИ тўлиқ фойдаланиб бўлинган деб ҳисобланган 3 та ландшафт баландлик минтақасида саноатнинг аҳоли катта қатламини банд қилиши мумкин бўлган меҳнатталаб тармоқларини ривожлантириш, урбанистик вазиятни шакллантириш орқали мавжуд демографик юкни бир оз камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

ХУЛОСА

Диссертацияда бажарилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларнинг предметлараро моҳияти, аҳоли жойланишига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий ва табиий-ландшафт омилларнинг умумий ва минтақавий хусусиятлари очиқ берилди. Бу эса аҳолини ҳудудий таркибини такомиллаштиришда табиий-ландшафт омилдан фойдаланиш зарурлигини асослаш имконини беради;

2. Минтақада аҳоли зичлигини ҳисоблашнинг анъанавий, майдон бирлигига ундаги мавжуд аҳоли сонини тақсимлашга асосанган услубиётига кўшимча равишда жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида аҳолининг яшаши ва ишлаши учун жойлаштириш имконияти бўлмаган, геоморфологик жиҳатдан мураккаб ҳудудларни (қояли, серқирра, парчаланган, тоғ ва қумли сувсиз чўллар) эътиборга олиш, зарур ҳолларда вақтинча ҳисобдан чиқариб туришга асосида такомиллаштирилган услубиёт аҳоли зичлигини юқори аниқликда, ландшафтлар доирасида ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратади;

3. Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар билан бир қаторда минтақаларнинг табиий-ландшафт омиллардан геоморфологик, иқлимий, тупроқ-мелиоратив ва гидрографик кўрсаткичларнинг аҳоли жойлашувида таъсир этувчи (чекловчи ёки чорловчи) жиҳатларининг ўрни Фарғона водийси мисолида асосланди. Бу натижалардан бошқа минтақаларда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

4. Фарғона водийси аҳолисининг ҳудудий жойлашишига таъсир этувчи табиий-ландшафт омилларининг (геоморфологик шароит, иқлим, тупроқ ва сув билан таъминланганлик) сифат кўрсаткичларини баҳолаш асосида 7 та ландшафт баландлик минтақаси ажратилди. Бундай баҳолаш асосида ҳар бир ландшафт баландлик минтақасининг табиий-демографик имконияти бўйича аниқланган рейтингдан аҳолини ҳудудий жойлаштиришнинг узок муддатлимақсадли дастурларини тузишда фойдаланиш мумкин;

5. Фарғона водийсидаги демографик юкни асосий кўрсаткичи ҳисобланган аҳоли зичлиги илк бор маъмурий бирликлар бўйича эмас, балки табиий-ландшафт минтақалари бўйича ҳисоблаб чиқилди. Бунда маъмурий бирликларни қуйи поғонаси ҳисобланган маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари чегаралари ландшафт баландлик минтақалари доирасида гуруҳлаштирилди. Олинган натижалар таҳлили асосида 1:200000 масштабни «Фарғона водийси ландшафтларининг аҳоли зичлиги» картаси яратилди. Ундан фойдаланиб маъмурий туманлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қисмида аҳоли зичлигини таҳлил қилиш, режалаштириш мумкин;

6. Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришда ландшафт баландлик минтақаларининг табиий имкониятларидан максимал фойдаланиш ҳамда ландшафтларнинг «демографик юк» кўтариш даражасини аниқлаш мақсадида ҳар бир ландшафт баландлик минтақасига оид «табиий-демографик имконияти» аниқланди. Баҳолаш жараёнида ҳисоблаш ва карталаштиришнинг илмий-услугий асослари такомиллаштирилди. Бу аҳолини ҳудудий жойлаштиришда ҳар бир ландшафт баландлик минтақасининг «демографик юк» кўтариш даражасини эътиборга олиш имкониятини яратади;

7. Аҳоли зичлигида ифодаланган амалдаги «демографик юк»ни оптимал миқдорларини аниқлаш, эко ва социо-демографик муаммоларни олдини олиш учун ҳар бир ландшафт баландлик минтақасининг табиий-демографик имкониятларидан келиб чиқадиган демографик юк кўтариш меъёрлари аниқланди. Мавжуд 7 та ландшафт баландлик минтақасининг 3 тасида табиий-демографик имкониятдан тўлиқ фойдаланиб бўлинганлиги, кўрсаткичлар ҳисобланган меъёрдан бир неча баробар юқорилиги қайд этилди. Табиий-демографик имкониятдан фойдаланиб бўлинган минтақаларда аҳолини ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни тавсия этиш лозим;

8. Маъмурий туманлар ландшафт баландлик минтақаларидаги аҳоли зичлигида ифодаланган мавжуд демографик юк кўрсаткичларини аниқланган меъёрларга солиштириш орқали ҳар бир ландшафт баландлик минтақаси бўйича аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришда, туманларда аҳоли пунктларини келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишда ҳамда ландшафтли режалаштириш дастурларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУВАЛИЕВ ХАЙИТБОЙ АБДУГАНИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ
НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ ЛАНДШАФТНОГО ФАКТОРА (НА
ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2019.2.PhD/Gr95.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Ахмадалиев Юсупжон Исмоилович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: Тожиева Зулхумор Назаровна
доктор географических наук, профессор
Ибрагимова Рана Алимбаевна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» декабря 2020 года в 14⁰⁰ на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Телефон:(99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Национального университета Узбекистана, факультет географии и природных ресурсов)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (регистрационный № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4., Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2020 года.
Реестр протокола рассылки № 25 от «14» декабря 2020 года).

Н.И.Сабитова
Председатель иаучного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире природно-ландшафтные характеристики мест проживания населения, являются первичным фактором, влияющим на его территориальную организацию. Человеческое общество, используя возможности науки и техники, все более расширяет свою среду обитания. Недостаточный учет природно-ландшафтного потенциала территорий при этом создает социально-экологические проблемы в населенных пунктах. В частности, в рамках 11-й цели Программы устойчивого развития ООН до 2030 года подчеркивается важность решения задачи «Обеспечения открытости, безопасности, долголетия и стабильности городов»¹. Указанные задачи требуют анализа, оценки, прогноза изменений, происходящих на территориях с высокой демографической нагрузкой, и предотвращению их отрицательных последствий.

В мире уделяется приоритетное внимание исследованиям в этой области, включая оптимизацию демографической ситуации в населенных пунктах, регулирование антропогенного давления на города, выявление естественного демографического потенциала ландшафтов, повышение занятости в густонаселенных районах. Также расположение большинства населенных пунктов в благоприятных (комфортных) для проживания людей ландшафтах, неуклонный рост населения приводят к увеличению количества и площади населенных пунктов, а также уменьшению площади естественных ландшафтов. При поддержании естественного баланса ландшафтов с учетом специфики каждого региона важно определить величину демографической нагрузки, стандартизировать, усовершенствовать научную базу рациональной территориальной организации поселений.

Для развития социальной сферы в республике проводятся широкомасштабные мероприятия. Положительные результаты достигаются в оптимизации территориальной организации населения по регионам, улучшении условий жизни, развитии и модернизации экономической и социальной инфраструктуры. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены важные задачи, такие как «Обеспечение проживания людей в экологически безопасной среде, строительство и модернизация комплексов по переработке бытовых отходов, укрепление их материально-технической базы»². Поэтому важное значение приобретают научные исследования, направленные на усовершенствование территориального размещения населения, формирование безопасных в социально-экологическом отношении территорий.

¹Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года.

www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

В определенной степени данная диссертационная работа направлена на реализацию задач намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановление № ПФ-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в рамках «Года науки, просвещения и цифровой экономики», постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 октября 2014 г. № 301 «О порядке землепользования в сельской местности», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к указанной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды», VIII. «Науки о Земле».

Степень изученности проблемы. Теоретические и методологические основы изучения проблем населения и связанных с ними демографических процессов составляют исследования зарубежных ученых Дж. Граунта, А.Гийяра, У.Петти и ученых из стран СНГ В.А.Борисова, А.И.Щербакова, Б.Ц.Урланиса, В.В.Покшишевского, Л.Л.Козловой, А.А.Ахметовой, С.И.Исламова.

Изучением населения в социально-экономико-географическом аспекте, исследованием его территориальной организации занимались Н.Н.Баранский, Ю.А.Симагин, В.П.Максаковский, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалев, Б.С.Хорев, А.И.Алексеев. Проблемами народонаселения, демографией семьи, географией городов и населения, трудоустройством и занятостью населения в Узбекистане занимались М.К. Караханов, И.Р.Мулладжанов, Х.Салимов, Э.А.Ахмедов, К.Х.Абдурахмонов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Каюмов, А.С.Салиев, Б.Х.Умурзаков, Г.Р.Асанов, З.Райимжанов, М.Р.Буриева, З.Н.Тожиева.

Непосредственное участие в территориальной организации населения, с задачами учета природных факторов принимали такие исследователи, как А.Е.Пробст, А.И.Чистобаев, А.Г.Исаченко, З.М.Акрамов, А.С.Солиев, Ю.И.Ахмадалиев, Т.Маллабоев, Ш.З.Жумаханов, Ш.М.Шарипов. В практических работах по территориальным особенностям размещения населения, для Ферганского региона, который в демографическом отношении занимает особое место, всегда оставались актуальными задачи территориальной организации населения. При этом из природных факторов влияющих на размещение населения больше всего изучена обеспеченность водой. Однако размещение населения долины по ландшафтам и влияние природно-ландшафтного фактора на размещение населения не изучались.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высших образовательных учреждений, где выполнена диссертация.

Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ферганского государственного университета в рамках практических исследований по проекту ИТД-7-29 «Природные ресурсы Ферганской долины, их рациональное использование и пути разрешения возникающих экологических проблем» (2015-2020 годы).

Целью исследования является разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций, направленных на улучшение территориального размещения населения в Ферганской долине с учетом природно-ландшафтных факторов.

Задачи исследования:

анализ роли и значения природного фактора в теории территориальной организации населения, усовершенствование существующих методик;

расчет реальных значений плотности населения долины по ландшафтно-высотным зонам и административно-территориальным единицам, основываясь на картографическом, статистическом анализе;

